

## XI. ЧАКАНА САВДО ТОВАР АЙЛАНМАСИ

2018 йил январь-декабрда чакана товар айланмаси 4438,5 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,8 фоизга ўсди.

### Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>4438,5</b>	<b>105,8</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>			
давлат мулки	1,7	87,8	0,1
нодавлат мулки	4436,8	105,8	99,9
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	2775,6	103,4	62,5

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-декабрида 1662,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,1 фоизни ташкил этган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 2775,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,4 фоизга ошган.

### 2018 йил январь-декабрида чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2017 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>4438,5</b>	<b>105,8</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	1662,9	110,1	37,5
Якка тартибдаги тадбиркорлик	2775,6	103,4	62,5
<i>шундан:</i> уюшмаган сектор (ташқил этилмаган савдо фаолияти)	264,1	100,5	6,0


Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 129,8 млрд. сўмга етди ёки 2017 йил январь-декабрга нисбатан 10,2 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига

нисбатан ҳисоблаганда 4,3 фоизга ошди ва 2391,4 минг сўмни ташкил этди (2017 йил январь-декабрь ойларида 1927,9 минг сўмни ташкил этган).


2018 йилнинг январь-декабрь ойларида чакана савдо товар айланмаси 4438,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,8 фоизга ўсди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 495,6 млрд. сўмни (ўсиш суръати 33,2 %), кичик тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 3942,9 млрд. сўмни (ўсиш суръати 3,2%), шундан уюшмаган савдо савдо товар айланмаси 264,1 млрд. сўмни (ўсиш суръати 0,5 %) ташкил этди.

### Январь-декабрь ойларида чакана савдо товар айланмаси ҳажми, (млрд. сўм)



2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан республиканинг барча ҳудудларида чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари кузатилиб, нисбатан юқори ўсиш суръатлари Нукус шаҳри (ўсиш суръати 109,0 %), Беруний (105,9 %) ва Тўрткўл (105,9 %) туманларида қайд этилди.

## Чакана савдо товар айланмасининг ўсиш суръатлари, (% да)



Чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Нукус шаҳри (республика бўйича жами товар айланмаси ҳажмидаги улуши 29,4 %), Беруний (9,9 %), Хўжайли (9,5 %), Тўрткўл (9,0 %) ва Амударё (7,1 %) туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.



Чакана савдо товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг товар айланмаси ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 33,2 фоизга ўсди ва 495,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса умумий савдо ҳажмининг 11,2 % улушига тўғри келади.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми статистик ҳисоб-китобларга кўра, 3942,9 млрд. сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 3,2 фоизга ўсди. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 88,8 фоизга тенг келмоқда.

## Чакана савдо товар айланмаси таркиби, (%)


2017 йил  
январь-декабрь

2018 йил  
январь-декабрь



■ Йирик корхоналар  
■ Кичик корхоналар

## Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар ва кичик тадбиркорликнинг улуши, (%)



■ Кичик тадбиркорлик  
■ Йирик корхоналар

**Кичик тадбиркорлик ва йирик корхоналарнинг  
чакана савдо товар айланмасидаги ҳажми**

	йирик корхоналар (млрд.сўм)	ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да	кичик тадбиркорлик (млрд.сўм)	ўтган йилнинг шу даврига нисбатан, % да
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	<b>495,6</b>	<b>133,2</b>	<b>3942,9</b>	<b>103,2</b>
Нукус ш.	337,4	141,5	967,3	101,0
<i>туманлар:</i>				
Амударё	21,1	87,6	293,0	106,0
Беруний	12,1	137,4	425,6	105,2
Қонликўл	0,2	102,5	117,8	103,3
Қораўзак	1,1	108,7	153,1	102,6
Кегейли	0,7	3,4	114,6	124,4
Қўнғирот	10,4	4,6 м.	286,5	102,5
Мўйноқ	0,8	2,1 м.	32,6	103,5
Нукус	0,7	73,2	82,6	102,4
Тахиатош	25,5	127,3	78,3	99,6
Тахтакўпир	0,9	106,0	120,9	102,4
Тўрткўл	55,5	111,7	343,2	104,3
Хўжайли	9,4	2,4 м.	414,5	102,8
Чимбой	15,0	7,2 м.	158,1	97,1
Шуманай	0,9	190,6	97,9	103,4
Элликқалъа	3,9	4,1 м.	257,1	102,8

2018 йил январь-декабрь ойларида чакана савдо товар айланмасида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши бўйича Қонликўл (99,8 %), Кегейли (99,4 %), Қораўзак (99,3 %), Тахтакўпир (99,3 %) ва Шуманай (99,1 %) туманларида юқори даражада бўлди.

Чакана товар айланмаси таркибида йирик корхоналарнинг улуши 11,2 фоизни ташкил этиб, йирик корхоналарнинг энг катта улуши Нукус шаҳрида (25,9 %), Тахиатош (24,5 %) ва Тўрткўл (13,9 %) туманларида кузатилди.